

Ўлимдан олдин иймондан айрилишдан қўрқаман



08:50 / 03.09.2019 2666

Абдуррахмон ибн Маҳдийдан ривоят қилинади: «Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳ вафот этаётганида ёнида эдим. Аҳволи оғирлашгач, йиғлай бошлади. Бир киши унга: «Эй Абу Абдуллоҳ, худди жуда кўп гуноҳ қилган одамга ўхшайсиз-а?» деди. Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳ: «Гуноҳларим мен хавотирланиб турган нарсадан енгил. Мен ўлимдан олдин иймонимдан айрилиб қолишдек бадбахтликдан қўрқаман», дея жавоб бердилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан